

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари)
Бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Бухоро давлат университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил “___” _____даги - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил “___” августдаги - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъерий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналишининг умумий тавсифи..... | 4 |
| 1.1. Қўлланиш соҳаси..... | 4 |
| 1.1.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши..... | 4 |
| 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи | 4 |
| 1.2.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари | 4 |
| 1.2.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари..... | 4 |
| 1.2.3. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиши (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 6 |
| 2.1. Умумий компетенциялар..... | 6 |
| 2.2. Касбий компетенциялар..... | 6 |
| Библиографик маълумотлар..... | 7 |
| Келишув варағи | 8 |

**60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари)
таълим йўналишининг умумий тавсифи**

1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши Малака талабнинг қўлланиши.

Малака талаби 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари, иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошка манфаатдор шахслар.

1.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) – “Тиллар” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда профессионал таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, давлат бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларда фаолият олиб бориш билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- асосий ва иккинчи чет тилининг назарий ва амалий асосларини ўргатиш, мазкур тилларда илмий ва бадиий адабиётларни ўқиш ва оғзаки нутқ малакасини ошириш;
- асосий ҳамда иккинчи чет тили сифатида ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти, уларнинг тарихи ва ҳозирги ҳолати, адабий алоқалар таржима назарияси ва амалиётининг асослари, матн таржимаси, оғзаки таржима масалалари, ўрганилаётган тил методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти тамойиллари;
- чет тили таълими жараёнлари, таълим тизими ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;

- роман-герман тилшунослиги ва адабиётшунослиги, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, адабиёт назарияси, адабиётшунослик тарихи, нутқ маданияти ва услубияти;
- мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни, маънавий-маърифий тарғибот ишлари, муҳаррирлик ва мусаххихлик;
- чет тили ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

1.2.3. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- таълим муассасаларида педагогик ва илмий-педагогик;
- таржимонлик;
- ташкилий-бошқарув;
- ОАВда мухбирлик;
- ноширлик ва муҳаррирлик;
- илмий тадқиқот;
- консалтинг хизмати.

1.2.4. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Таълим муассасаларида педагогик ва илмий-педагогик фаолиятида:

- мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларини ўқитиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
- чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (киска курслар);
- мустақил таълим ва илмий-ижодий изланиш ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

Таржимонлик фаолиятида:

- давлат ва нодавлат ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш;
- маориф, маданият, туризм соҳаларида, турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, қўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш;
- меҳмонхона, сайёҳлик фирмаларида менежер ва маъмурий ходим сифатида ишлаш;
- халқаро конференция ва тадбирларда таржимонлик фаолиятини олиб бориш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш.

ОАВда мухбирлик, ноширлик ва муҳаррирлик фаолиятида:

- оммавий ахборот воситаларида мухбирлик ва муҳаррирлик ишларини амалга ошириш;
- мустақил равишда мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш;

- нашриёт ва таҳрир соҳасида бадиий ва илмий асарларни, соҳага оид рисола ва монографиялар бўйича мусаххих ва муҳаррирлик фаолиятини амалга ошириш;

- ноширлик муассасаларида таржимон ва адабий ходим бўлиб фаолият юритиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот ташкилотларида тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш;

- намунавий методикалар ва ўқитишнинг инновацион усуллари бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий ахборотларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;

- илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда катнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;

- соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш;

- илмий-тадқиқот ва таълим муассасаси жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;

- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;

- мамлакатдаги турли фойдаланиш қўламига эга бўлган тилларга тизимли ва функционал тавсиф бера олиш;

- касбий фаолиятда ҳозирги ва тарихий адабий жараёнларни ва турли жанрга мансуб бадиий асарларни таҳлил қила билиш.

1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

1.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтмоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни таҳлил қила олиши;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий ва илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.

1.2. Касбий компетенциялар:

- мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларини ўқитиш кўникмасига эга бўлиш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- намунавий методикалар ва инновацион таълим технологиялари бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш;
- энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш кўникмасига эга бўлиш;
- илмий-тадқиқот ва таълим муассасаси жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш;
- давлат ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш;
- меҳмонхоналарда ва сайёҳлик фирмаларида менежерлик ва маъмурий ходим сифатида ишлаш;
- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкил этиш ва бошқариш;
- оммавий ахборот воситаларида мухбирлик ва муҳаррирлик ишларини амалга ошириш, мустақил мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш;
- нашриёт ва таҳрир соҳасида бадиий ва илмий асарларни, соҳага оид рисола ва монографиялар бўйича мусаххих ва муҳаррирлик фаолиятини амалга ошириш;
- ноширлик муассасаларида таржимон ва адабий ходим бўлиб фаолият юритиш, архив ва музейларда экскурсовод, илмий ходим сифатида ишлаш ва соҳага оид иш жараёнини ташкил қилиш;
- хорижий тилларни ўқитиш ва таржимонлик фаолияти билан боғлиқ соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;
- мамлакатдаги турли фойдаланиш кўламига эга бўлган тилларга тизимли ва функционал тавсиф бера олиш;
- турли ташкилотларда таржимонлик фаолияти ва гид хамроҳлигини амалга ошириш, ҳаво йўлларида сервис хизмати, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва татбиқ этишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, кредит-модуль тизими, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, таржимонлик фаолияти, таълимни бошқариш, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежменти, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш, мустақил таълим, консалтинг хизмати, мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим тизими, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи ташкилот ва корхоналар, давлат аттестацияси, илмий тадқиқот жараёни, узлуксиз таълим тизими, педагогик фаолият.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Бухоро давлат университети

Ректор  О.Х.Хамидов

2022 йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор _____ Ш.У.Якубов

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Бухоро вилояти Халқ таълими
бошқармаси

Бошлиқ _____ Д.Мустафоева

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Ректор _____ У.Азизов

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.



Бухоро вилоят Туризм ва маданий
мерос бош бошқармаси

Директор _____ С.Бобокалонов

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Бухоро давлат университети 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ:

| T/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|-----|-----------------------------------------|------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | О.Х. Хамидов | БухДУ ректори | |
| 2. | Р.Ф. Жумаев | БухДУ ўқув ишлари бўйича проректор, с.ф.ф.д.PhD, доцент |  |
| 3. | Н.Б. Атабоев | БухДУ Хорижий тиллар факультети декани ф.ф.ф.д., доцент | |
| 4. | З.И. Расулов | БухДУ Инглиз тилшунослиги кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент | |
| 5. | Д.Х. Каримова | БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси мудири | |
| 6. | О.И. Адизова | БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси доценти | |
| 7. | Я.Б. Рўзиев | БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси доценти, PhD | |
| 8. | М.Х. Хамидова | БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси доценти, PhD | |
| 9. | С.С. Худоев | БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 10. | М.У. Саидова | БухДУ Инглиз тилшунослиги кафедраси доценти | |
| 11. | Н.Д. Джумаева | БухДУ Инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси |  |

БухДУ ректори

_____ О.Х. Хамидов

М.Ў.

БухДУ ўқув ишлари бўйича проректор



Р.Ф. Жумаев

Хорижий тиллар факультети декани

_____ Н.Б. Атабоев